



Global Conference on Multidisciplinary Research and Innovation

Hosted Online from Berlin, Germany

Date: 2nd June, 2026

Website: <https://econferencia.com>

АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ИМПОРТИДА ТИФ ТН КОДЛАРИНИ ТАСНИФЛАШ МУАММОЛАРИ

Хуррамов Рустам Норбоевич,
Тошкент шаҳар божхона бошқармаси
Божхона аудити бўлими бошлиғи,
e-mail: r.xurramov@internet.ru

Аннотация:

Ушбу тезисда автотранспорт воситалари импорти жараёнида товарлар номенклатурасини (ТИФ ТН кодини) нотўғри таснифлаш билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг божхона аудитидаги молиявий оқибатлари тадқиқ этилган. Ишда 2022–2025 йиллар оралиғидаги божхона қонунбузилиши ҳолатлари статистик таҳлил қилиниб, ТИФ ТН кодларини танлашда импортёрлар дуч келадиган тизимли қийинчиликлар ва хавф-хатарлар илмий-амалий жиҳатдан асослаб берилган.

Калит сўзлар: ТИФ ТН коди, божхона аудити, классификация, VIN код, божхона қиймати, импорт, қонунбузилиши ҳолатлари.

PROBLEMS OF HS CODE CLASSIFICATION IN MOTOR VEHICLE IMPORTS

Khurramov Rustam Norboyevich,
Head of the Customs Audit Department of
the Tashkent City Customs Administration,
e-mail: r.xurramov@internet.ru



Global Conference on Multidisciplinary Research and Innovation

Hosted Online from Berlin, Germany

Date: 2nd June, 2026

Website: <https://econferencia.com>

Аннотация: Т

his thesis investigates the problems associated with the incorrect classification of the commodity nomenclature (HS code) in the process of motor vehicle imports and their financial consequences in customs audit. The work provides a statistical analysis of customs violations between 2022 and 2025, and scientifically and practically substantiates the systemic difficulties and risks faced by importers when selecting HS codes.

Ключевые слова: HS code, customs audit, classification, VIN code, customs value, import, violations cases.

ПРОБЛЕМЫ КЛАССИФИКАЦИИ КОДОВ ТН ВЭД ПРИ ИМПОРТЕ АВТОТРАНСПОРТНЫХ СРЕДСТВ

Хуррамов Рустам Норбоевич,

Начальник отдела таможенного аудита

Таможенного управления по городу Ташкенту,

e-mail: r.xurramov@internet.ru

Аннотация:

В данном тезисе исследуются проблемы, связанные с неверной классификацией товарной номенклатуры (кода ТН ВЭД) в процессе импорта автотранспортных средств, и их финансовые последствия в таможенном аудите. В работе проведен статистический анализ нарушений таможенного законодательства за период 2022–2025 гг., а также научно-практически обоснованы системные трудности и риски, с которыми сталкиваются импортеры при выборе кодов ТН ВЭД.



Global Conference on Multidisciplinary Research and Innovation

Hosted Online from Berlin, Germany

Date: 2nd June, 2026

Website: <https://econferencia.com>

Ключевые слова: код ТН ВЭД, таможенный аудит, классификация, VIN-код, таможенная стоимость, импорт, случаи правонарушений.

КИРИШ

Глобаллашув ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг жадал ривожланиши шароитида автотранспорт воситалари импортини тартибга солиш ва уларни тўғри кодлаш божхона маъмуриятчилигининг энг мураккаб бўғинларидан бири бўлиб қолмоқда. Автомобиллар импортида товар учун тўғри ТИФ ТН кодини танлаш нафақат статистик ҳисоб, балки божхона тўловлари миқдори, солиқлар, чекловлар ва давлат томонидан бериладиган имтиёзларни белгилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бироқ, амалиётда импортёрларнинг етарли билимга эга эмаслиги ёки бу жараёнда тўлиқ божхона брокерларига ишониб топшириши тизимли равишда код нотўғри белгиланиши хавфини юзага келтиради.

Муаммонинг қўйилиши ва таҳлил

Автомобиллар учун ТИФ ТН кодини аниқлаш уларнинг техник хусусиятлари ўта деталлаштирилгани сабабли мураккаб илмий ва амалий вазифа ҳисобланади. Транспорт воситасининг тури (енгил, юк, махсус), двигатель ҳажми, ёқилғи тури (бензин, дизель, гибрид, электр), ишлаб чиқарилган йили каби параметрлар кодга тўғридан-тўғри таъсир қилади. Айниқса, замонавий гибрид ва электромобилларни кодлашда амалиётда кўплаб баҳсли ҳолатлар юзага келмоқда. Бу ерда ТИФ ТНнинг Изоҳлашнинг умумий қоидалари (1–6-қоидалар) билан бирга халқаро регламентлар ва стандартлар¹ ҳам муҳим рол

¹ General rules for the interpretation of the Harmonized system. https://www.wcoomd.org/-/media/wco/public/global/pdf/topics/nomenclature/instruments-and-tools/hs-interpretation-general-rules/0001_2012e_gir.pdf БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши томонидан 2017 йилда тасдиқланган



Global Conference on Multidisciplinary Research and Innovation

Hosted Online from Berlin, Germany

Date: 2nd June, 2026

Website: <https://econferencia.com>

ўйнайди.

Божхона қўмитасининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими (ЯАА) маълумотлари асосида 2022–2025 йилларда автотранспорт воситалари импортида аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари таҳлил қилинганда, муаммонинг молиявий қўлами қуйидагича намоён бўлади:

1) ТИФ ТН кодига боғлиқ ҳолатлар: 208,09 млрд. сўм (49,4 %) — тизимдаги энг йирик ва асосий улуш бўлиб, бу код танлаш босқичида йўл қўйилаётган хатоликлар ёки божхона тўловларини камайтириш мақсадида қасддан "қулайроқ" код танлаш ҳолатлари юқори эканлигини кўрсатади.

2) VIN кодга боғлиқ ҳолатлар: 79,61 млрд. сўм (18,9 %) — бунга кузов (VIN) коди ўзгартирилиши натижасида ишлаб чиқарилган йилини сунъий ўзгартириш ва Божхона юк декларациясига (БЮД) тузатиш киритиш билан боғлиқ ҳолатлар киради.

3) Божхона қийматига боғлиқ ҳолатлар: 46,76 млрд. сўм (11,1 %) — товарнинг асл инвойс қийматини сунъий пасайтириш ҳолатлари.

4) Бошқа ҳолатлар: 86,78 млрд. сўм (20,6 %) — ишлаб чиқариш мамлакатини нотўғри кўрсатиш, тоифаларнинг ўзгариши ва божхона тўловларига таъсир қилмаган бошқа тузатишлар:




Global Conference on Multidisciplinary Research and Innovation

Hosted Online from Berlin, Germany

Date: 2nd June, 2026

Website: <https://econferencia.com>



1-расм. Автотранспорт воситалари импортида қонунбузилиши ҳолатлари классификацияси (2022–2025 йиллар, млрд. сўм ва фоизда)²

Илмий ва амалий хулосалар

Автотранспорт воситалари импортида битта рақамнинг (коднинг) нотўғри белгиланиши божхона тўловларининг 10% дан 50% гача фарқ қилишига ёки берилган имтиёзларнинг бутунлай бекор бўлишига олиб келади. Давлат бюджети тушумларини тўлиқ таъминлаш ва тадбиркорлик субъектларида божхона аудити жараёнида кутиб турилмаган йирик молиявий йўқотишлар (жарималар) юзага келишининг олдини олиш учун қуйидагилар таклиф этилади:

ТИФ ТН кодлари ва техник регламентлар ўртасидаги номувофиқликларни автоматик баҳоловчи интеллектуал рақамли дастурларни жорий этиш.

Импортёрлар томонидан ишлаб чиқарувчи ҳужжатлари, техник паспорт ва шартномалардаги маълумотларнинг мутаносиблигини дастлабки божхона

² Божхона қўмитаси ЯАА тизими маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси



Global Conference on Multidisciplinary Research and Innovation

Hosted Online from Berlin, Germany

Date: 2nd June, 2026

Website: <https://econferencia.com>

назорати босқичида тизимли текшириш.

ТИФ ТН классификаторидаги ўзгаришларни автоматик тарзда кузатувчи ва хабар берувчи тизимларни яратиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ / REFERENCES

- 1) General Rules for the Interpretation of the Harmonized System. World Customs Organization (WCO). URL: <https://www.wcoomd.org>
- 2) Consolidated Resolution on the Construction of Vehicles (R.E.3). United Nations Economic Commission for Europe (UNECE), 2017. Standard: GE.17-11608 / ECE/TRANS/WP.29/78/Rev.6. URL: <https://unece.org>
- 3) Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ягона автоматлаштирилган ахборот (ЯАА) тизими статистик маълумотлари (2022–2025 йй.).
- 4). Бошқа интернет манбаалар